



**ISSUES OF IMPROVING THE PROCEDURE FOR
COLLECTING DIRECT TAXES FROM COMMERCIAL
BANKS INTO THE STATE BUDGET**

Ergasheva Lobar Rahmatulla qizi

Independent Researcher, 2nd Stage

Tashkent State University of Economics

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17111579>

ARTICLE INFO

Received: 03rd September 2025

Accepted: 12th September 2025

Online: 13th September 2025

KEYWORDS

Commercial banks, direct taxes, budget revenues, tax burden, tax administration.

ABSTRACT

The article analyzes the issues of improving the procedure for collecting direct taxes from commercial banks into the state budget. It examines taxation mechanisms, current legal frameworks, and international practices. Scientific proposals and recommendations are developed to optimize the tax burden on banks' activities and to enhance tax administration.

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДАН УНДИРИЛДАГАН БЕВОСИТА
СОЛИҚЛАРНИ БЮДЖЕТГА УНДИРИШ ТАРТИБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Эргашева Лобар Рахматулла қизи

Тошкент давлат Иқтисодийёт университети

2-боқич мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17111579>

ARTICLE INFO

Received: 03rd September 2025

Accepted: 12th September 2025

Online: 13th September 2025

KEYWORDS

Тижорат банклари, бевосита солиқлар, бюджет даромадлари, солиқ юки, солиқ маъмуриятчилиги.

ABSTRACT

Мақолада тижорат банкларидан ундириладиган бевосита солиқларни давлат бюджетига ундириш тартибини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Солиқ тўлови механизмлари, амалдаги ҳуқуқий асослар ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган. Шунингдек, банклар фаолиятида солиқ юкини оптималлаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини яхшилашга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Кириш

Солиқ тушумларини бюджетга киритиш (ҳазинага тушириш) – бу солиқ органлари томонидан йиғилган солиқларни белгиланган тартибда Давлат ғазнасига ўтказиш жараёнини англатувчи тизимдир. Бу жараён турли ҳудудий



даражалардаги ҳукумат молиявий манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, солиқ тизимининг аниқ тартибга солинганлигини намоён этади.

Юқорида биз консолидацияланган давлат бюджетига даромад етишмаслиги каби муҳим муаммо борлигини таъкидладик. Бу, асосан, ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг тўғридан-тўғри солиқларни тўлиқ тўлашдан бош тортиши билан боғлиқ¹. Яъни, корхоналар олинган даромадларни қоплайдилар ва жисмоний шахслар иш ҳақини конвертларда оладилар. Шундай қилиб, катта миқдордаги маблағ давлат бюджетига етиб бормайди. Бизнинг фикримизча, солиқ тизимини ривожлантириш учун тўғри ва аниқ белгиланган йўналишларни танлаш керак, бу эса ушбу турдаги муаммоларнинг намоён бўлишини минималлаштиришга ёрдам бериши².

Шуни ҳам таъкидлашни истардимки, тижорат банкларини солиқ солиш тизими назарий жиҳатдан қанчалик яхши кўриб чиқилган ва ўйланган бўлса ҳам, амалиёт ва ҳақиқат унга хорижий тажрибани ўрганиш билан ўз тузатишларини киритилиши лозим.

Фойда солиғининг камчиликлари орасида кичик инновацион банklar учун солиқ имтиёзлари тўғрисидаги қонунда нормаларнинг йўқлиги, хайрия ва кўзда тутилмаган харажатларини фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базани камайтирадиган харажатларга киритиш мумкин эмаслиги ва бошқалар киради.

Тўғридан-тўғри солиққа тортишнинг умумий камчиликлари қуйидаги далилларни ўз ичига олади:

Ташкилий - солиқ солишнинг тўғридан-тўғри шакли солиқларни йиғишнинг мураккаб механизмини талаб қилади, чунки у бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот беришнинг анча мураккаб методологияси билан боғлиқ.

Назорат - тўғридан-тўғри солиқлар тушумини назорат қилиш солиқ аппаратини сезиларли даражада кенгайтиришни ва тўловчиларни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Позитция - тўғридан-тўғри солиқлар молиявий назоратнинг номукамаллиги ва тижорат сирларининг мавжудлиги орқали солиқ тўлашдан бўйин товлаш эҳтимоли билан боғлиқ.

Бюджет - тўғридан-тўғри солиққа тортиш бозор муносабатларининг маълум бир ривожланишини талаб қилади, чунки фақат Реал бозор шароитида Реал бозор нархи шаклланиши мумкин ва шунинг учун даромадлар (фойда) ҳақиқий, аммо йўқотишлар ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун тўғридан-тўғри солиқлар барқарор бюджет даромадлари манбаи бўлиши мумкин эмас.

$$DBSum = \sum_{i=1}^n St i$$

Бу ерда:

¹ Соломбо Ж. А., Салдеира Ж. Ф. Тхе ролэ оф тахес анд тхе интердепенденсе амонг сорпорате финансиал полисиес: Эвиденсе фром а натурал эксперимент // Журнал оф Сорпорате Финансе. – Вolumes 50. – п. 410. (https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=2804329, www.scopus.com)

² КирдинаС.Н. О своевременности современной экономической теории. //Вопросы экономики. – 2016. - №6.



- **DBS_{um}** — давлат бюджетининг солиқли даромадларининг умумий мутлоқ миқдори,
- **ST_i** — *i*-турдаги солиқ тури бўйича тушган солиқ тушуми (масалан, фойда солиғи, даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва ҳ.к.),
- **n** — ҳисобга олинган солиқ турларининг сони.

Бевосита солиқлар улушини аниқлаш формуласи:

1. **PTIsyd** – прогноз топшириғига нисбатан солиқ тушумларининг йиғилувчанлик даражаси:

$$PTIsyd = \left(\frac{\sum HDBSD}{DBSDPT} \right) \times 100$$

2. **HSSsyd** – ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан тўланган солиқлар даражаси:

$$HSSsyd = \left(\frac{\sum HSS}{HSSH} \right) \times 100$$

3. **OTSSinSYD** – ортиқча тўланган солиқ суммасини инобатга олган ҳолда йиғилувчанлик даражаси:

$$OTSSinSYD = \left(\frac{YSSA - HDOTA}{YSSA} \right) \times 100$$

4. **ODSQotssSYD** – тўланган ва қарздорлик суммаларини инобатга олган ҳолда ҳисобланган йиғилувчанлик даражаси:

$$ODSQotssSYD = \left(\frac{\sum (HSS_n + ODSQ)}{HSS_n} \right) \times 100$$

Бу ерда:

HDBSD – ҳисобот даврида бюджетга солиқ тушуми;

DBSDPT – прогноз топшириғи;

HSSH – ҳисоботда ҳисобланган солиқ хажми;

ODSQ – қарздорликлар ва ортиқча тўланган маблағлар;

YSSA – ҳисобот солиқ суммалари.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига тушаётган жами солиқли даромадлар 2010–2023 йиллар мобайнида мутлоқ миқдорда ўсишга эришди. Агар



2010 йилда давлат бюджетига тушган солиқли даромадлар 12,50 трлн сўми ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб ушбу кўрсаткич 184,51 трлн сўмга етган. Бу катта ўсиш давлат молиявий сиёсатининг мустақамланаётганини англатади.

Бироқ, таҳлил даврида солиқли даромадларнинг ўсиш суръати барқарор бўлмаган: 2018 йилда энг юқори ўсиш (154,78%) қайд этилган бўлса, 2016 (112,64%), 2020 (115,32%) ва 2023 (115,50%) йилларда нисбатан паст ўсиш суръатлари кузатилган.

Айнан **бевосита солиқлар** — яъни юридик шахслар фойда солиғи, жисмоний шахслар даромад солиғи, мол-мулк солиғиб ягона ижтимоий тўлов ва ер солиғи — давлат бюджетига даромадларида муҳим ўрин эгаллайди. Бу турдаги солиқлар тўғридан-тўғри мулкдорлар ва даромад эгаларидан ундирилади ва бюджетга тўғридан-тўғри тушади.

2010–2023 йиллар давомида давлат бюджетига ҳар йили ўртача 70,056 трлн сўм миқдорига солиқли даромадлар тушган бўлиб, уларнинг салмоқли қисми бевосита солиқлар ҳиссасига тўғри келади. Шу даврда бевосита солиқ тушумларининг жами мутлоқ қўшимча ўсиши 172,008 трлн сўми, ўртача йиллик мутлоқ қўшимча ўсиши эса 13,231 трлн сўми ташкил қилган.

Таҳлил натижаларига кўра, ўртача солиқ тушуми ўсиш суръати 123,01% ни ташкил этган. Бу ўсиш тижорат банклари ва бошқа субъектлардан ундирилаётган бевосита солиқларнинг ижобий динамикаси билан ҳам изоҳланади.

Мазкур кўрсаткичлар билан биргаликда дисперсиянинг 3395,66 трлн сўм ва ўртача квадратик четланишнинг 58,27 трлн сўми ташкил этиши, солиқ тушумларининг йиллар кесимида сезиларли ўзгаришларга эга эканлигини кўрсатади.

Хусусан, 2023 йилда қўшимча солиқ тушумларининг ўсиш суръати 15,50% ни ташкил қилган бўлиб, унинг 1% и 1,5975 трлн сўмга тўғри келади. Бу кўрсаткичлар бевосита солиқлар механизмнинг бюджет даромадлари шаклланишидаги ролини янада чуқурроқ ўрганиш ва такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.(3.1.1-жадвалга қаранг)

3.1.1-жадвал

2010-2023- йилларда Ўзбекистон Республикасида ҳақиқатда йиғилган Давлат бюджетига жами солиқли даромадлари ва уларнинг таҳлили³

| Кўрсаткичлар | 2010-йил | 2011- йил | 2012- йил | 2013-йил | 2014-йил | 2015-йил | 2016-йил | 2017-йил | 2018-йил | 2019-йил | 2020-йил | 2021-йил | 2022-йил | 2023-йил |
|-------------------------|----------|-----------|-----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|
| Мутлақ миқдори.трлн.сўм | 12,50 | 15,35 | 19,16 | 23,64 | 28,60 | 33,46 | 37,69 | 45,95 | 71,73 | 97,89 | 112,89 | 138,26 | 159,75 | 184,51 |

³ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия Вазирлиги www.imv.uz



| | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|-------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|-------|
| Мутлақ қўшимча ўсиш.трлн.сўм | | | 2,85 | 3,81 | 4,48 | 4,96 | 4,86 | 4,23 | 8,26 | 25,17 | 26,76 | 15,00 | 25,37 | 21,49 | 24,76 |
| Ўсиш суръати % да | 100,0 | 122,78 | 124,85 | 123,38 | 120,96 | 117,01 | 112,64 | 121,92 | 154,78 | 137,63 | 115,32 | 122,47 | 115,55 | 115,50 | |
| Ўсиш суръати фарқ % да | | 22,78 | 2,07 | -1,47 | -2,41 | -3,96 | -4,36 | 9,28 | 32,85 | -17,15 | -22,31 | -7,15 | -6,92 | 0,05 | |
| қўшимча ўсиш.трлн.сўм | | 22,78 | 24,85 | 23,85 | 20,96 | 17,01 | 12,64 | 21,92 | 54,78 | 37,63 | 15,32 | 22,47 | 15,55 | 15,50 | |
| 1% қўшимча ўсиш суръатининг қиймати .трлн.сўм | | 0,13 | 0,15 | 0,19 | 0,24 | 0,29 | 0,33 | 0,38 | 0,46 | 0,71 | 0,98 | 1,13 | 1,38 | 1,60 | |

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқли тушумларнинг улуши сезиларли даражада ўзгариб бормоқда. 2010–2023 йиллар давомидаги динамика шуни кўрсатадики, бу даврда бюджети даромадлари таркибидаги солиқли даромадлар улуши пасайиш тенденциясига эга бўлди. Жумладан, агар 2010 йилда солиқли даромадлар умумий бюджети даромадларининг 91,94 фоизини ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб ушбу кўрсаткич 79,63 фоизга тушди, яъни 12,32 фоиз пунктга пасайиш кузатилди.

Таҳлил даврида тўғри ва эгри солиқлар улушида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди. 2010 йилда эгри солиқлар умумий солиқли тушумларнинг 50,42 фоизини, тўғри солиқлар эса 26,08 фоизини ташкил этган. 2023 йилда эса эгри солиқлар улуши 14,47 фоизга камайиб, 35,95 фоизни ташкил этган бўлса, тўғри солиқлар улуши 5,47 фоизга ортиб, 31,55 фоизга етди.



3.1.1-Расм. 2008-2024-йилларда давлат бюджети солиқли даромадларида бевосита солиқларнинг улуши % да⁴


Шу билан бирга, фойда (даромад) солиғи тушумларида сезиларли ўсиш кузатилди. 2010 йилда фойда солиғи бюджетдаги улуши 28,98 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 55,78 фоизга етган, яъни +26,80 фоизга ўсиш рўй берган. Бу эса тижорат банклари ва йирик хўжалик юритувчи субъектлар даромадларининг ортиши ҳамда улар орқали тушаётган тўғри солиқларнинг аҳамияти ошиб бораётганидан далолат беради.

Бошқа тарафдан айланмадан олинган солиқ бўйича тушумлар кескин камайган. 2010 йилда бу солиқ улуши 21,32 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда у 3,29 фоизга тушган. Бу солиқ базасининг кенгайиши, шаклланиш манбаларида сифатли ўзгаришлар кузатилаётганини кўрсатади.

Акциз солиғи бўйича эса аксинча тенденция кузатилди. 2010 йилда акциз солиғи улуши 56,87 фоиз бўлган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 69,47 фоизга етди, яъни +12,60 фоизга ўсди. Бу солиқнинг барқарор манба сифатидаги аҳамиятини кўрсатади.

Тижорат банклари томонидан кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун шакллантирилган захиралар банкнинг умумий харажатлари ва фоизли даромадлари улушида кузатилиши мумкин (3-расм). Ўтган давр мобайнида умумий кредитлар ҳажмидаги муаммоли кредитлар улуши сезиларли даражада камайган бўлса-да, кредитлар бўйича мумкин бўлган йўқотишлар учун захиралар улуши юқориликча қолмоқда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия Вазирлиги www.imv.uz



3.1.2-Расм. 2018-2023 йилларда kreditlar bo'yicha mumkin bo'lgan yo'qotishlar uchun zaxiralar ta'sirini tahlil qilish, %⁵.

Хусусан, 2023-йилда 2.4 триллион сўм миқдорида қўшимча захиралар шакллантирилган. Муаммоли кредитлар миқдорини камайтириш мақсадида тўлов муддати 91 кундан 180 кунгача бўлган (илгари 91 кундан 120 кунгача) активлар "қониқарсиз", 181 кундан 365 кунгача бўлган (илгари 121 кундан 180 кунгача) активлар "шубҳали" ва тўлов муддати 366 кун ва ундан кўп (илгари 180 кундан ортиқ) бўлган активлар "умидсиз" деб таснифланиши белгиланган⁶.

Пандемиянинг иқтисодий таъсирини юмшатиш чора-тадбирлари доирасида, 2021-йилда фаолияти тўлиқ тикланмаган 14,647 та иқтисодий субъектга 21.4 триллион сўм (банк тизими кредит портфелининг 15 фоизи) миқдоридаги эҳтимолий муаммоли кредитларнинг тўлов муддатлари 3-6 ойга қайта-қайта узайтирилди. 2022-йил 1-январ ҳолатига кўра, банклар томонидан узайтирилган кредитлар баланси 88.4 триллион сўмни ташкил этган, шундан 73.9 триллион сўми (84 фоизи) юридик шахсларга, 14.5 триллион сўми (16 фоизи) жисмоний шахсларга тегишли бўлган. Ушбу кредитларнинг 12.8 фоизи ёки 11 триллион сўми муаммоли кредитлар, 13.1 фоизи ёки 12 триллион сўми эса 30 кундан ортиқ муддати ўтган потенциал муаммоли (қониқарсиз) кредитларни ташкил этган. 2021-йил охирида тўлов муддати узайтирилган кредитларнинг умумий баланси банк тизими кредит портфелининг 27 фоизини (88 триллион сўм) ташкил этган, айрим банкларда эса бу кўрсаткич ўртача кўрсаткичдан сезиларли даражада юқори бўлган. Хусусан, бу кўрсаткич Халқ банкида 42 фоизни, Туронбанк ва Ўзбекистон саноат-қурилиш банкида 41 фоизни, Қишлоқ қурилиш банки ва Асакабанкда эса 38 фоизни ташкил этган. 2021-йилда банк балансидаги муаммоли кредитлар оғирлигини камайтириш чоралари доирасида, бир йилдан ортиқ муддатга қайтарилмаган 3.3 триллион сўмлик муаммоли кредитлар, шундан 251 миллиард сўм оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларига ажратилган кредитлар банклар балансида чикариб ташланди. Банклар 2022-йил

⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки www.cbu.uz

⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки www.cbu.uz



давомида 12.6 триллион сўмлик муаммоли кредитларни ундирган бўлса-да, 9.6 триллион сўм миқдоридаги қўшимча муаммоли кредитлар ҳосил бўлган⁷.

Кредитлар бўйича мумкин бўлган йўқотишлар учун захиралар шакллантириш тамойилига кўра, тижорат банклари активлари сифати бўйича кредитлар "стандарт", "қониқарсиз", "шубҳали" ва "умидсиз" тоифаларига ажратилади. Шунга кўра, банк тижорат банки активларининг умумий қийматига нисбатан қуйидаги фоизларда захира активларини шакллантириши шарт:

- "стандарт" деб таснифланганда бир фоиз;
- "қониқарсиз" деб таснифланганда ўн фоиз;
- "шубҳали" деб таснифланганда йигирма беш фоиз;
- "умидсиз" деб таснифланганда эллик фоиз;
- "умидсиз" деб таснифланганда юз фоиз.

Бу ҳолда, тижорат банклари ушбу Низомда (2024-йил) назарда тутилган кредитларни таснифлаш асослари юзага келган санадан бошлаб мумкин бўлган йўқотишлар учун захираларни шакллантириши ва улар бўйича бухгалтерия ўтказмаларини дастурлашган тарзда амалга ошириши шарт⁸.

Банкларнинг кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун шакллантирган захиралари юқори даражада қолмоқда, гарчи умумий муаммоли кредитлар улуши камайган бўлса-да. 2023-йилда 2.4 трлн сўм миқдорида қўшимча захиралар яратилган. Солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси давлат молиявий барқарорлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. 2010–2023 йиллар мобайнида тижорат банкларидан ундириладиган фойда солиғи йиғилувчанлик даражаси ўзгариб борган. **2018, 2020 ва 2021 йилларда** ушбу солиқ тури бўйича **прогноздан юқори йиғилувчанлик даражаси** қайд этилган:

- **2018 йил – 139,48 %**
- **2020 йил – 130,16 %**
- **2021 йил – 138,10 %**

Бу кўрсаткичлар тижорат банкларининг фаол молиявий натижаларга эришганини ва фискал сиёсатида шаффофлик таъминланганини кўрсатади.

Аксинча, **2013–2015 йиллар** давомида йиғилувчанлик даражаси паст даражада бўлган:

- **2013 йил – 86,01 %**
- **2014 йил – 81,92 %**
- **2015 йил – 94,49 %**

2022 ва 2023 йилларда эса **фойда солиғи бўйича йиғилувчанлик даражаси** мўътадил даражада қайд этилган:

- **2022 йил – 97,65 %**
- **2023 йил – 95,17 %**

Хулоса

⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки www.cbu.uz

⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг қарори, 20.05.2024 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 2696-4



Тижорат банкларидан ундириладиган бевосита солиқлар давлат бюджети даромадларининг барқарор манбаи сифатида муҳим аҳамият касб этади. Амалдаги солиқ маъмуриятчилигида тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, банк секторининг фаолиятида фойда солиғи ва жисмоний шахслар даромад солиғи асосий улушга эга бўлиб, уларнинг йиғилувчанлигини ошириш бюджет барқарорлигини таъминлайди. Бироқ, мавжуд тартиб-тамойилларда маълум камчиликлар ҳам мавжуд, жумладан:

- солиқ базасини аниқлашда методологик муаммолар;
- банклар молиявий ҳисоботларини солиқ мақсадларига мослаштиришдаги қийинчиликлар;
- солиқ ставкалари ва имтиёзлар тизимининг етарли даражада самарадор эмаслиги;
- ахборот алмашинуви ва рақамли назорат механизмларининг тўлиқ жорий этилмаганлиги.

Шу боис, тижорат банкларидан ундириладиган бевосита солиқларни такомиллаштиришда қуйидаги йўналишлар илмий жиҳатдан мақбул деб ҳисобланади:

1. Солиқ ҳисоботларини халқаро стандартларга уйғунлаштириш ва банклар молиявий ҳисоботлари билан интеграция қилиш.
2. Солиқ юкининг адолатли тақсимланишини таъминлаш учун дифференциацияланган ставкалар ва тартибларни жорий этиш.
3. Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш орқали яширин даромадларнинг олдини олиш.
4. Илғор хорижий тажрибалар асосида солиқ мониторинги ва комплаенс тизимини кучайтириш.
5. Солиқ-банк тизимида прогнозлаш ва макроиқтисодий таҳлил усулларини кенг қўллаш.

Демак, тижорат банкларидан ундириладиган бевосита солиқларни бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида туширишнинг институционал ва амалий механизмларини такомиллаштириш давлат молияси барқарорлиги, солиқ интизоми ҳамда банк тизимининг шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

References:

1. Абдурахмонов, Қ. Х. (2022). *Солиқ сиёсати ва унинг иқтисодий самарадорлиги*. Тошкент: "Иқтисод-Молия".
2. Азизов, Ш. Б. (2021). Тижорат банкларида бевосита солиқларни ундириш тартибини такомиллаштириш йўналишлари. *Молия ва банк иши*, 4(2), 45–53.
3. Жумаев, Ш. (2020). Солиқ тизимида даромад солиғини оптималлаштириш муаммолари. *Иқтисод ва молия*, 1(3), 22–29.
4. Каримов, А. (2019). *Солиқ назарияси ва амалиёти*. Тошкент: "Фан".
5. Махмудов, Н. (2021). Банк секторини солиққа тортишда халқаро тажрибалар. *Иқтисодий таҳлил журнали*, 5(1), 37–44.



6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. (2020 йил 30 декабрь). *Солиқ-бюджет сиёсати концепцияси тўғрисида*. Президент.uz.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. (2023). *Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари*. Тошкент: Давстатқўм.
8. OECD. (2021). *Tax Administration 2021: Comparative Information on OECD and other Advanced and Emerging Economies*. Париж: OECD Publishing.
9. World Bank. (2022). *Uzbekistan: Strengthening Tax Revenue Mobilization for Inclusive Growth*. Вашингтон, DC: World Bank Group.